

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Үч.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЭГАМБЕРДИЕВ БЕХЗОД ИСКАНДАРОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА
ДОИР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора филологии (PhD)

Content of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Эгамбердиев Бехзод Искандарович

Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир
фаолиятини такомиллаштириш..... 3

Эгамбердиев Бехзод Искандарович

Совершенствование деятельности органов внутренних дел в сфере
миграционных процессов 25

Egamberdiev Bekhzod Iskandarovich

Improvement of the activities of internal affairs bodies on migration
processes..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/30.12.2019.Ү.25.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

ЭГАМБЕРДИЕВ БЕХЗОД ИСКАНДАРОВИЧ

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ МИГРАЦИЯ ЖАРАЁНЛАРИГА
ДОИР ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи**

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.1.PhD/Yu239 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://akadmvd.uz/uz/nauka/deyatelnost-nauchnogo-soveta>) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Зиёдуллаев Музаффар Зиёдуллаевич юримдик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Маматов Худоёр Тешасвич юримдик фанлар доктори, профессор Исоқов Лухмонжон Холбоевич юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Божхона институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/30.12.2019.Yu.25.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 27 март куни соат 15:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел./факс: (71) 265-22-52/ (71) 265-17-53; e-mail: info@akad.mvd.uz).


Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1099-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68. Тел.: (71) 265-22-52.


Диссертация автореферати 2021 йил 11 март куни тарқатилди.

(2021 йил 10 мартдаги 1-рақамли реестр баённомаси).




А.С. Гурсунов
Илмий даражалар берувчи, илмий кенгаш
раиси, юримдик фанлар доктори,
профессор


Дж.Х. Юлдашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, юримдик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD), доцент


Р. Кабулов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, юримдик
фанлар доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда глобаллашув ва интеграциялашув жараёнларининг тезлашиши ноқонуний миграция, одам савдоси, терроризм ва экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг кучайишига сабаб бўлаётганлиги миграцияни самарали бошқариш механизмларини жорий этиш заруратини юзага келтирмоқда. Халқаро миграция ташкилотининг маълумотларига кўра, мигрантлар сони 2010 йилда 214 млн нафарни ташкил этган бўлса¹, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 281 млнга етиб (31,3 фоизга ошган)², уларнинг халқаро пул ўтказмалари 689,4 млрд АҚШ долларини ташкил этмоқда³. Бу эса, миграция жараёнларини тартибга солиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш орқали шахснинг эркин ҳаракатланиш ҳуқуқи ҳамда ижтимоий ҳимоясини кафолатлаш эҳтиёжини вужудга келтирмоқда.

Жаҳонда миграция ва туризм хавфсизлигини таъминлаш, мажбурий муҳожирлик, ижтимоий тенгсизлик, ўзаро низолаш ҳамда қуролли тўқнашувлар, миллатлар ва конфессиялар ўртасидаги ихтилофлар таъсирида юзага келаётган ноқонуний миграциянинг ривожланиш қонуниятларини ўрганиш, мазкур салбий омиллар натижасида пайдо бўлиши мумкин бўлган ижтимоий хавфнинг олдини олиш, ички ва ташқи миграцияни самарали бошқаришнинг илмий мезонларини ишлаб чиқиш, шунингдек ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишнинг устувор йўналишларини белгилаш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий асосланган ечимларини топишга қаратилган илмий-амалий, инновацион ҳамда фундаментал тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда миграция жараёнларини тартибга солишнинг ўзига хос миллий механизмларини жорий этиш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида ижобий инвестиция муҳитини яратиш ҳамда туризмни қўллаб-қувватлаш мақсадида хорижий шахсларнинг республикага кириши, чиқиши ва бўлиши (яшаши)га оид тартиб-таомилларни соддалаштириш ҳамда мақбуллаштириш, фуқароларнинг республика бўйлаб эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини таъминлаш каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Шу боис ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва либераллаштириш, соҳага илғор усул ва воситаларни татбиқ этиш ҳамда замонавий ахборот коммуникация технологияларини қўллаш орқали аҳоли билан бевосита алоқага киришмайдиган тизимни яратиш долзарб масалалардан бири бўлиб қолмоқда.

¹ Халқаро миграция ташкилоти (ИОМ)нинг миграция жараёнларига доир ҳисоботи // URL: https://ru.wikipedia.org/wiki/Миграция_населения#cite_ref-4 (мурожаат вақти: 20.08.2020).

² United Nations International Migration 2020 Highlights // URL: https://www.un.org.development.desa.pd/files/undesa_pd_2020_international_migration_highlights.pdf (мурожаат вақти: 30.01.2021).

³ Международные денежные переводы мигрантов // Бюллетень о текущих тенденциях мировой экономики. – 2019. – № 48. – С. 2.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг миграция жараёнлари ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2017), «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2020) қарорлари ва «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги (2021) фармони ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада миграция жараёнларининг айрим масалалари, хусусан ички ишлар органларининг бу борадаги фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг умумий жиҳатлари: С.Т. Ахмедова, Ш.Н. Бердияров, И.Исмаилов, Г.С. Исмаилова, М.З. Зиёдуллаев, Ў.Х. Мухамедов, Ж.С. Мухторов, Х.Т. Одилқориев, З.Р. Рўзиев, С.М. Селиманова, А.С. Турсунов ва Э.Ш. Ҳайитовлар томонидан маълум даражада тадқиқ этилган.

Мамлакатимизда бевосита миграцияни тартибга солиш билан боғлиқ масалалар, жумладан меҳнат миграциясини бошқариш Л.П. Максакова, муҳожирларнинг халқаро-ҳуқуқий мақоми К.Ш. Арипова, меҳнаткаш-мигрантлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш С.Ғ. Ишанходжаев, ички миграцияни тартибга солиш воситалари, хусусан паспорт тизимини такомиллаштириш Дж.Х. Юлдашев, миграция жараёнларини тартибга солишнинг сиёсий жиҳатлари Д.Н. Муйдинов, миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари Л.Х. Исоқовлар томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатларда миграция жараёнларини тартибга солишнинг илмий-назарий ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари В.А. Андрюшенков, А.Д. Брик, М. Вильямс, М.Р. Вокуев, Е.В. Галюза, П. Дебнатх, В.Ю. Дибель, А.Н. Жеребцов, Т.И. Заславска, Р.Н. Зинуров, П.А. Насуров, И.В. Никитенко, Л.Л. Рыбаковский, Э.Г. Равенштейн, И.Ю. Сизов, О.Т. Суюнчалиева, Е.В. Суслин, В.Н. Сумароков, А.Н. Торенко, А.Ю. Тарасов, Д.Р. Фатихов, Г.А. Чехоев, А.Н. Шкилев, О.В. Шилова ва Д. Хьюменслар томонидан тадқиқ этилган⁴.

Мазкур тадқиқотларда миграция соҳасидаги давлат бошқарувининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари, мигрантларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги миллий қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда паспорт тизимининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари ўрганилган. Бироқ ички ишлар органларининг миграция

⁴ Бу ва бошқа муаллифларнинг асарлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

жараёнларига доир фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш масалалари махсус тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ички ишлар органларининг бошқарув, ахборот-таҳлил ҳамда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини такомиллаштириш» мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг 12.85-банди доирасида бажарилган (2019-2021 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«миграция»нинг моҳияти ва аҳамиятини илмий-назарий таҳлил қилиш орқали унинг «ноқонуний миграция», «миграция назорати», «миграция жараёнларини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмлари» ҳамда «ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолияти» тушунчалари билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш ва белгилаш;

ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини ҳуқуқий таъминлашнинг бугунги аҳволини ўрганиш ҳамда мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича асослантирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

ички ишлар органларининг миграция жараёнларини тартибга солиш соҳасидаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш, бу орқали унда иштирок этувчи субъектлар ваколат доирасини аниқлаш ҳамда ҳамкорлигини мувофиқлаштиришга хизмат қилувчи таклифлар бериш;

ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини ташкил этиш соҳасидаги муаммолар ва унга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш орқали бартараф этишнинг ташкилий-институционал механизмларини жорий этиш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрлаш;

миграция жараёнларига доир хориж мамлакатлари тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш ва миллий тизимга татбиқ этиш юзасидан илмий асосланган таклиф ва тавсияларни шакллантириш.

Тадқиқотнинг объектини Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш билан боғлиқ ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятидаги муаммолар, ушбу соҳани тартибга солувчи нормалар ва уларни қўллаш амалиёти, айрим хорижий давлатлар тажрибаси, илмий қарашлар ва методологик-услубий ёндашувлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот давомида анализ, синтез, дедукция, индукция, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, анкета сўрови, эмпирик материал ва статистик маълумотлар таҳлили, кузатиш, тизимли ёндашув, мантиқийлик усулларида кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қонуний ички ва ташқи меҳнат миграциясини ташкил этиш мақсадида хусусий бандлик агентликларига давлат органлари, жумладан, ички ишлар органлари томонидан узоқ муддат хорижда бўлиб, доимий яшаш манзилига қайтиб келган ёки ишлаш мақсадида хорижга кетмоқчи бўлиб, иш қидираётган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш орқали ноқонуний миграцияга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни қонунга киритиш зарурати асосланган;

Ўзбекистон Республикасида мамлакатимиз учун асосий реципиент давлат – Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг паспорт-виза хизмати ваколатхонасини очиш ва унда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома (патент)ни тайёрлаш, расмийлаштириш ва бериш хизматларини кўрсатиш амалиётини йўлга қўйиш орқали ноқонуний миграцияга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштириш зарурати асосланган;

фавқулодда ҳолатлар шароитида карантин жорий этилган ҳудудда вақтинча бўлиш муддати тугаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларни қабул қилган уй-жой эгалари ва мансабдор шахсларга нисбатан карантин муддати тугагунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик қўлланмаслик амалиётини жорий этиш лозимлиги асосланган;

чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган ватандошлар ва оила аъзоларига доимий яшаш учун рухсатнома расмийлаштиришда ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган тақдирда ўн кун ичида ўрта бўғин ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан марказий аппарат билан келишмасдан хулоса чиқариш ваколатини қонун ҳужжатларида белгилаш зарурати исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«миграция», «ноқонуний миграция», «миграция назорати», «миграция жараёнини тартибга солишнинг ҳуқуқий механизмлари», «ички ишлар органларининг миграция жараёнига доир фаолияти» тушунчаларининг муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилган;

миграциянинг турлари, назорат шакллари ва ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар таснифи ишлаб чиқилган;

ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни индивидуаллаштириш, жумладан, паспорт тизими қоидаларини бузишни назарда тутувчи ҳар бир қилмиш таркиби учун жазо (жарима) миқдорини аниқ белгилаш зарурати асосланган;

ноқонуний миграция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши курашни ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналиши сифатида белгилаш, шунингдек миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари ходимларига паспорт тизими қоидаларини бузиш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиш ва жазо қўллаш ваколатини беришни назарда тутувчи «Ўзбекистон

Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистонда миграция соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган Ўзбекистон Республикасининг «Миграция тўғрисида»ги қонун лойиҳаси тайёрланган ҳамда уни қабул қилиш зарурати асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ва миллий қонунчилик нормалари, ҳуқуқни қўллаш амалиётининг илғор ҳамда ижобий тажрибалари, соҳага доир беш йиллик (2016–2020 йиллар) эмпирик ва статистик маълумотлар таҳлили, 442 нафар мутахассис ходимлар ўртасида ўтказилган социологик тадқиқотлар натижаларини умумлаштириш орқали исботланган бўлиб, ишлаб чиқилган илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, етакчи хорижий ҳамда миллий нашрларда эълон қилинган, олинган натижалар эса, ваколатли органлар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, улардан миграцияга оид назарий-методологик қарашларни бойитишда, миграция жараёнларини тартибга солувчи янги қонун нормалари ишлаб чиқишда, соҳага тегишли қонунчиликни шарҳлашда, шунингдек «Ички ишлар органларида маъмурий жавобгарликни таъминлаш», «Ички ишлар органлари фаолияти» ва «Ички ишлар органларининг жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш фаолияти» фанларининг миграцияга доир илмий-назарий жиҳатларини бойитишда, қолаверса, миграция соҳасида илмий изланишлар олиб бориш ҳамда олий таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир, хусусан ноқонуний миграцияга қарши курашиш фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий ва институционал жиҳатдан, шунингдек мазкур соҳани моддий-техник ҳамда кадрлар билан таъминлашни такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қонуний ички ва ташқи меҳнат миграциясини ташкил этиш мақсадида хусусий бандлик агентликларига давлат органлари, жумладан, ички ишлар органлари томонидан узоқ муддат хорижда бўлиб, доимий яшаш манзилига қайтиб келган ёки ишлаш мақсадида хорижга кетмоқчи бўлиб, иш қидираётган шахслар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш орқали ноқонуний миграцияга қарши курашиш борасидаги ҳамкорликни қонунга киритишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 16 октябрдаги «Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида»ги ЎРҚ-501-сон қонуни 25-моддасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг 2019 йил 18 декабрдаги 04/3-06-99-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ички ишлар органларининг бошқа субъектлар, жумладан хусусий бандлик агентликлари билан ҳамкорлигини ҳуқуқий қафолатлаш орқали уларнинг ноқонуний

миграцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикасида мамлакатимиз учун асосий реципиент давлат – Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлигининг паспорт-виза хизмати ваколатхонасини очиш ва унда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга оширишга рухсатнома (патент)ни тайёрлаш, расмийлаштириш ва бериш хизматларини кўрсатиш амалиётини йўлга қўйиш орқали ноқонуний миграцияга қарши курашда ўзаро ҳамкорликни мувофиқлаштиришга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 сентябрдаги «Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4829-сон қарорининг 13-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2021 йил 10 январдаги 15/312-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши ички ишлар органларининг ноқонуний миграцияга қарши курашишда хорижий давлатлар, жумладан Россия Федерацияси билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш ва мувофиқлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

фавқулодда ҳолатлар шароитида карантин жорий этилган ҳудудда вақтинча бўлиш муддати тугаган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга, шунингдек, уларни қабул қилган уй-жой эгалари ва мансабдор шахсларга нисбатан карантин муддати тугагунга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик қўлланмаслик амалиётини жорий этишга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган 4-илованинг иккинчи банди «а» кичик бандининг 6⁵ бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 12/20-23-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши мамлакатимизда чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш даражасини оширишга, шунингдек Ўзбекистон Республикасида бўлиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарликни янада либераллаштиришга хизмат қилган;

чет эл фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган ватандошлар ва оила аъзоларига доимий яшаш учун рухсатнома расмийлаштиришда ваколатли органнинг ижобий жавоби олинган тақдирда ўн кун ичида ўрта бўғин ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан марказий аппарат билан келишмасдан хулоса чиқариш ваколатини қонун ҳужжатларида белгилашга доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 593-сон қарори билан тасдиқланган «Чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Қорақалпоғистон Республикасида ва вилоятларда доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олиш тартиби тўғрисидаги низом»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Юридик таъминлаш бошқармасининг 2020 йил 17 ноябрдаги 12/20-23-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг инобатга олиниши чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни доимий

рўйхатдан ўтказиш амалиётини мақбуллаштириш ва соддалаштиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий мазмуни ва илмий натижалари 2 та халқаро, 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда синовдан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 22 та, жумладан диссертациянинг асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий журналларда 11 та (шундан 2 таси хорижда) мақола чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, олти параграфни ўз ичига олган учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 154 бет.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг «**Миграция жараёнини тартибга солишнинг назарий-ҳуқуқий асослари**» деб номланган биринчи бобида «миграция», «ноқонуний миграция» ва «миграция назорати» тушунчалари тавсифи ҳамда уларнинг қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ифодаланишига доир қарашлар ҳуқуқшунос олимларнинг фикр ва мулоҳазаларига таяниб тадқиқ этилган.

Диссертант ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини тадқиқ этишда, аввало, «миграция», «ноқонуний миграция» ва «миграция назорати» тушунчаларининг илмий-назарий асослари, турлари, таснифи ва шаклларига ойдинлик киритиш заруратини илмий асослаб берган. Шу боис, диссертацияда халқаро ва миллий қонунчилик ҳужжатлари ҳамда мутахассис ва олимларнинг бу борадаги фикр-мулоҳазаларига таяниб, миграцияни ички ишлар органларининг ушбу соҳадаги амалиётида қуйидагича таснифланиши асослантирилган: а) ҳудудий миқёси бўйича – ички ва ташқи; б) юридик табиатига кўра – қонуний ва ноқонуний; в) муддати бўйича – қисқа ва узок муддатли; г) вужудга келиш хусусиятига кўра – ихтиёрий ва мажбурий; д) юзага келишига кўра – ташкил этиладиган ва ташкил этилмайдиган; е) йўналишига кўра – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, этник, диний ва экологик.

Муаллифнинг фикрича, амалиётда шахсларни уларнинг хорижга чиқиш сабаблари ва муддати билан боғлиқ мезонлар асосида алоҳида тоифаларга ажратиш йўлга қўйилмаганлиги ички ишлар органлари ходимларининг асосий

иш вақтини ушбу шахсларни қайд этиш, ҳисобини юритиш ҳамда уларга оид маълумотни ҳисобот учун расмийлаштиришга сарфланишига олиб келган, улар билан тезкор-профилактик чора-тадбирларни олиб бориш эса етарлича ташкил этилмаган (анкета сўровида қатнашган мутахассисларнинг 76,7% ҳам шундай фикрни билдирган).

Шу боис, диссертант миграция ҳисобига оид илмий-назарий қарашлар ва миграция статистикасини юритишга доир халқаро стандартлар (БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси қўлланмаси)га таяниб, ички ишлар органларининг миграция жараёнига доир фаолияти билан боғлиқ шахсларни қуйидаги уч тоифага – 1) «*меҳмонлар*», яъни мигрант бўлмаган аҳоли қатлами (ҳаж сафарини амалга оширувчи, бизнес билан шуғулланувчи, транзит тартибида ўтувчи ва бошқалар); 2) «*қисқа муддат бўлувчилар*» – янги манзилда 1 ой муддатдан ортиқ, лекин 12 ойдан ошмаган муддат бўлувчилар; 3) «*узоқ муддат яшовчилар*» – янги манзилда 12 ойдан ортиқ бўладиганлар гуруҳларига – ажратган ҳолда ҳисобини юритиш, тезкор-профилактик қамровга олиш ва профилактик ишларни ташкил этиш зарурати асослантилган. Ушбу тартиботнинг жорий этилиши анкета сўровида қатнашган ходимларнинг 75,8 % томонидан ҳам маъқулланган.

Тадқиқотчи илмий изланишлар асосида амалиётда чет элга кетган ва қайтиб келган шахслар қисқа ва узоқ муддатли тоифаларга ажратиб ҳисобга олиниши: *биринчидан*, ёлловчилар таъсирига тушиб, терроризм ва экстремизм фаолиятига жалб этилган шахсларни узоқ муддатга кетганлар сифатида қайд этиш орқали ушбу тоифа шахсларга алоҳида эътибор қаратиш, улар тўғрисидаги ахборотдан оқилона фойдаланишга; *иккинчидан*, амалиётда чет элга чиққан ва қайтиб келган шахсларнинг тоифаларига қараб тезкор-профилактик чора-тадбирларни олиб боришда турлича ёндашув асосида таъсир механизмларини белгилаш ҳамда бу орқали ходимларнинг вазифа ва функцияларини соддалаштиришга; *учинчидан*, хорижда ватандошлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва фавқулодда ҳодисалар ҳақидаги вазиятни таҳлил қилиш ва мониторинг қилиш орқали ҳаққоний баҳолашга; *тўртинчидан*, реал ҳавф манбаи бўлмаган чет элга қисқа муддатга чиқувчи ва қайтиб келувчи шахслар ортиқча ҳужжатлаштириш ва текширувлар билан овора бўлишининг олдини олиш орқали уларнинг эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқларини самарали таъминлашга имкон берувчи ижобий жиҳатлар сифатида изоҳлайди.

Шунингдек, диссертацияда ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини таъминлашнинг муҳим элементи бўлган миграция назоратининг моҳияти, шакллари ва субъектлари ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги фикрлари, АҚШ, Канада, Германия, Россия Федерацияси, Беларусь ва Қозоғистон Республикалари каби хорижий мамлакатларнинг тажрибасига таяниб, мамлакатимиз ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамлаш зарурати илмий асослантилган. Хусусан, диссертантнинг фикрича, *миграция назорати* – миграция жараёнларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишини таъминлаш, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобланади.

Диссертант тадқиқот жараёнида миграцияга доир илмий-назарий таълимотлар, жумладан «Миграция қонунлари» (Э.Г.Равенштейн), «Миграция жараёнларининг уч босқичи назарияси» (Л.Л.Рибаковский, Т.И.Засловский), «Ассимиляция назарияси» (М.М.Гордон ва О.Хандли) асарларида илгари сурилган мулоҳазаларни, шунингдек Австралия, Греция, Россия Федерацияси каби хорижий мамлакатларнинг миграция соҳаси билан боғлиқ таълим тизимига «мигрантология», «миграциология» ва «миграция ҳуқуқи» каби махсус фанларни ўқитиш жорий этилганини инобатга олган ҳолда, ички ишлар органларининг миграцияга доир фаолиятини тартибга солишнинг назарий методологияси ва амалиётига доир касбий билим, кўникма ва малакага эга мутахассис кадрлар тайёрлаш мақсадида, ИИВ Академияси кундузги таълимида «Ички ишлар органларининг миграция фаолияти» мутахассислигини жорий этиш зарурлиги ва афзалликларини асослаб берган. Ҳозирда республикамизда миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари ходимларининг ўртача 7,6 % (Андижон вилоятида – 4,9%, Наманган вилоятида – 4,2%, Сурхондарё вилоятида – 4,4%, Хоразм вилоятида – 0%) олий маълумотли ҳуқуқшунос кадрлар билан жамлангани боис, сўровда қатнашган ходимларнинг 82,3 % тизимда олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёж мавжудлигини қайд этишган.

Ишда ички ишлар органларининг миграция жараёнларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари, яъни 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва Олий Мажлис қарорлари, 2) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, 3) Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига таснифланган ҳолда таҳлил қилиниб, бу борада амалиётда учраётган коллизия ва ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

Тадқиқотчининг фикрича, ўтган даврда мамлакатимизда шахснинг эркин ҳаракатланиш ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқларини таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилган бўлса-да, уни самарали қафолатлаш механизмлари йўқлиги кўп жиҳатдан меҳнат мигрантлари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги ишлар асосан содир этилган қилмишларнинг оқибатларига қарши курашиш билан чекланиб қолишига сабаб бўлган. Бу эса фуқароларимизнинг ёлловчилар таъсирига тушиб, маълум даражада терроризм ва экстремизм ҳаракатлари содир этилиши манбаига айланиб қолишига олиб келган. Хусусан, буни Тошкент (1999 йил 16 февраль, 2004 йил 28-29 март ва 30 июль), Хоразм (1999 йил 30 март), Сурхондарё (2000 йил), Бухоро (2004 йил 28-29 март) ва Андижон (2005 йил 13 май) воқеалари, қолаверса, Санкт-Петербург, Истанбул ва Стокгольм шаҳарларида содир этилган террорчилик ҳаракатлари яшаш манзилини тарк этиб кетган шундай шахслар иштирокида содир этилганини кўриш мумкин.

Диссертация иши доирасида ўтказилган анкета сўровида қатнашган ходимларнинг ички ишлар органларининг миграцияга доир фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш соҳасида учраётган муаммолар ҳамда уни бартараф этиш хусусидаги фикрлари ўрганилганида, уларнинг 55,2 % ушбу соҳада махсус

қонун қабул қилиш, 14,5 % мавжуд ҳуқуқий бўшлиқларни тўлдириш, 11,4 % амалдаги қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, 18,9 % эса миграцияни тартибга солишга қаратилган узоқ муддатли концепция ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш лозимлигини билдиришган.

Мавжуд омилларни инобатга олган ҳолда диссертацияда миграция билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи қонунлар: а) халқаро ҳужжатларни ратификация қилувчи; б) миграция билан боғлиқ айрим муносабатларни тартибга солувчи; в) миграция билан боғлиқ нормаларни бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи гуруҳларга ажратиб тадқиқ этилган. Жумладан, миграция соҳасидаги қонунчилик ва уни қўллаш амалиёти таҳлилига таяниб, ички ишлар органларининг ноқонуний миграцияга қарши курашиш, унинг сабаблари ва содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этишга доир ваколатларини кенгайтириш мақсадида, «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4 ва 16-моддаларига қўшимча ва ўзгартиш киритиш эҳтиёжи мавжудлиги асослаб берилган.

Диссертант ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятида маъмурий-ҳуқуқий муносабатларни янада мақбуллаштириш ва соддалаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 223-моддаси биринчи қисмида ҳар бир қилмиш таркиби учун жарима миқдори аниқ белгиланиши лозимлигини, бу эса, *биринчидан*, ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликни индивидуаллаштириш орқали шахс ҳуқуқларини кафолатлаш даражасини оширишга; *иккинчидан*, тизимнинг миграция жараёнларига доир маъмурий-ҳуқуқий фаолиятида очиклик ва шаффофликни таъминлашга; *учинчидан*, миграция соҳасида коррупцияни озиклантирувчи омилларни бартараф этишга самарали хизмат қилишини илмий асослаб берган.

Бундан ташқари, диссертант мамлакатимизга шахсий ва сайёҳлик мақсадларида келган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик белгилаш соҳасида ички ишлар органларнинг маъмурий-ҳуқуқий фаолиятига доир процессуал қоидаларни янада соддалаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 225-моддаси биринчи – бешинчи қисмларида назарда тутилган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг республикада бўлиш муддатини бузган вақтига қараб ўша куннинг ўзида чегарадан ўтиш пунктларида жарима ундириш амалиётини жорий этиш ҳамда ушбу жазони қўллаш ваколатини ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари инспекторларига бериш зарурлигини асослаб берган. Чунки, қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш жинояти (Жиноят кодексининг 223-м.) сўнгги тўрт йилда ўртача – 21,1 %га (2016 йилда – 17,6 %, 2017 йилда – 11,3 %, 2018 йилда – 94,6 %, 2019 йилда – 20 %га) камайган бўлса-да, республикада бўлиш қоидаларини бузиш ҳуқуқбузарлиги (Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 225-м.) ўртача – 1,5 %га (2016 йилда – 0,9 %, 2017 йилда – 2,8 %, 2018 йилда – 0,5 %, 2019 йилда – 1,1 %га) ошган. Хусусан, 2019 йилда ушбу ҳуқуқбузарликнинг Андижон (80,3 %), Сурхондарё

(77,1 %) ва Тошкент вилоятларида (26,4 %) аввалги йилга нисбатан кескин ошганлигини кўриш мумкин.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини ташкил этиш**» деб номланган бўлиб, унда ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир амалиётидаги бугунги ҳолат ҳамда бу борада ҳамкорликни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш масалалари тадқиқ этилган. Мазкур бобда амалиёт таҳлили, бошқарув назариясидаги мавзуга оид қарашлар, нуқтаи назарлар ва таълимотларни ўрганиш натижалари асосида «Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолияти», «Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятидаги ҳамкорлик» тушунчаларининг муаллифлик илмий таърифлари ишлаб чиқилган ва асослантирилган.

Шунингдек, диссертант олимлар ва соҳа мутахассисларининг фикр-мулоҳазалари (62,5 %) ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлиliga таяниб, ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини амалга оширувчи субъектларни: *а) бевосита амалга оширувчи* (миграция ва фуқароликни расмийлаштириш); *б) иштирок этувчи* (терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, туризм ва транспортда хавфсизликни таъминлаш); *в) кўмаклашувчи* (жиноят қидирув, жамоат тартибини сақлаш, патруль-пост ва йўл-патруль хизмати, тергов) бўлинмаларга ажратиш орқали соҳавий хизматларнинг миграцияга доир вазифа ва функцияларини аниқ белгилаш ва тақсимлаш мумкинлигини асослаб берган ҳамда тадқиқот натижалари сифатида ҳуқуқни қўллаш амалиётига муайян даражада жорий этган.

Диссертация ишида ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини қуйидаги учта: 1) ички миграцияни тартибга солиш; 2) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хорижга чиқиш ва кириш қоидаларига риоя этишини таъминлаш; 3) чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг республикада бўлиш қоидаларига риоя этишини таъминлаш каби йўналишларда ташкил этиш таклифи илгари сурилган ҳамда бу борадаги амалиётни таҳлил қилиш асосида тизимдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Муаллиф ҳуқуқшунос олимларнинг мулоҳазалари, илғор хорижий тажриба, шунингдек мамлакатимиз ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятида ҳамкорликни ташкил этиш соҳасида учраётган муаммо ва камчиликларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида ҳозирги вақтда ички ишлар органларининг терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, миграция ва фуқароликни расмийлаштириш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва транспортда хавфсизликни таъминлаш бўлинмалари ҳамкорлигида «Узоқ муддатга хорижга чиқиб кетган шахслар билан ишлаш фаолияти» шартли номи билан маълум даражада амалга ошириб келинаётган ноқонуний миграцияга қарши курашиш фаолиятини такомиллаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси таркибида Миграция масалалари

бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш эҳтиёжи мавжудлигини асослаб берган. Буни анкета сўровида қатнашган ходимларнинг 86,4 % ҳам қўллаб-қувватлаган.

Диссертацияда ички ишлар органларининг бошқарув назариясига оид қарашлар, олимларнинг фикр-мулоҳазалари ҳамда миграция жараёнларига доир амалиётни ўрганиш асосида бу борадаги ҳамкорликни, тузилиши ва доирасига кўра, а) соҳавий хизматлар ўртасидаги ҳамкорлик; б) давлат органлари ва муассасалари билан ҳамкорлик; ҳамда в) жамоатчилик тузилмалари билан ҳамкорликка ажратиб ўрганиш, таҳлил қилиш орқали ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятида бошқа давлат органлари билан ҳамкорлигининг асосий йўналишларини қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаш, шунингдек ушбу соҳадаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш зарурати ва аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан асослантирилган.

Тадқиқот ишида ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятида ҳамкорликнинг самарали ташкил этилишига тўсқинлик қилаётган муаммолар юзага келишига қуйидаги омиллар сабаб бўлаётгани ҳамда уларни бартараф этиш лозимлиги илмий жиҳатдан изоҳланади:

норматив-ҳуқуқий жиҳатдан – қонун ҳужжатларида белгиланган умумий талабларнинг бузилиши; ҳамкорликдаги вазифа ва функциялар ижросини таъминлаш механизмларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўлиқ акс этирилмаганлиги; ҳамкорлик объектини тартибга солувчи қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳаддан зиёд кўплиги;

ташкилий-бошқарув жиҳатдан – ахборот билан таъминлаш ва ахборот-таҳлил, бошқарув қарорларини қабул қилиш, режалаштириш, ижро этиш, назорат ва баҳолаш каби бошқарув жараёнларида миграция билан боғлиқ фаолиятни тартибга солувчи соҳавий хизматлар куч ва воситалари имкониятлари доирасини ҳисобга олмаслик, қўшма чора-тадбирларни умумий ёки шаблон тарзида ишлаб чиқиш;

кадрлар билан таъминлаш жиҳатдан – амалдаги ташкилий-штат бирликларини қайта мақбуллаштиришга бўлган эҳтиёжнинг мавжудлиги (масалан, ноқонуний миграцияга қарши курашишга доир функцияларни таъминлаш мақсадида, марказий ва ўрта бўғинларда алоҳида бўлинмалар ташкил этилган бўлса-да, қуйи бўлинмаларда бу йўналишда алоҳида бўлинма ташкил этилмасдан ички ишлар органлари терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бўлинмалари ходимлари зиммасига қўшимча вазифа сифатида юклатилган) ҳамда олий юридик маълумотли мутахассис кадрлар тайёрлаш тизими мавжуд эмаслиги;

моддий-техник таъминлаш жиҳатдан – замонавий ахборот коммуникация технологиялари имкониятларидан тўлиқ фойдаланмаслик, миграция ҳисобини юритишга доир ахборотни тўплаш, сақлаш, унга ишлов бериш ва уни узатиш имкониятини берувчи ягона маълумотлар базаси мавжуд эмаслиги (масалан, ИИБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси томонидан ҳисоби юритиладиган шахслар бир вақтнинг ўзида ИИБ Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш бош бошқармаси маълумотлар базаси («АЭМБ»)да ҳам қайд этиб борилади).

Диссертацияда ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятида ҳамкорликни самарали ташкил этишга тўсқинлик қилувчи муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, шунингдек ушбу ҳамкорликни алоҳида махсус субъект ваколатлари доирасида мувофиқлаштиришнинг жорий этилишига хизмат қилувчи илмий асосланган таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилган ҳамда муайян даражада амалиётга жорий этилган.

Ишнинг учинчи боби «**Ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини такомиллаштириш йўллари**» деб номланиб, унда хорижий давлатларнинг миграция жараёнларига доир фаолиятини амалга оширувчи бўлинмаларининг илғор тажрибаси ўрганилган, таҳлил қилинган ҳамда шу асосда мазкур соҳадаги фаолиятни такомиллаштириш истиқболлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот жараёнидаги изланишлар, олиб борилган ўрганиш ва таҳлиллар асосида ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини қуйидаги йўналишлари бўйича такомиллаштиришга хизмат қилувчи таклиф, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқилган ҳамда ривожлантириш истиқболлари ёритилган: а) илмий-назарий жиҳатдан мустаҳкамлаш; б) норматив-ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш; в) ташкилий-бошқарув жиҳатдан таъминлаш.

Диссертантнинг фикрича, глобллашиб бораётган дунёда миграция жараёнларини тартибга солиш масалалари барча мамлакатларнинг ҳуқуқни қўллаш амалиётида долзарб муаммолардан бири бўлиб бораётганига қарамай, миграция жараёнларини тартибга солишнинг асосий субъекти бўлган ички ишлар органлари (полиция)нинг бу борадаги фаолиятини самарали ташкил этишда яхлит механизмга асосланган мақбул ёндашув шаклланмаган.

Шу нуқтаи назардан, тадқиқот давомида хорижий давлатлар (Канада, Жанубий Корея, Малайзия, Сингапур, Австралия, Греция, Қозоғистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Грузия Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Молдова Республикаси) қонунчилиги ва уни қўллаш амалиётига оид илғор тажрибаси, олимларнинг бу борадаги нуқтаи назарлари, мутахассисларнинг фикри (64,4 %), қолаверса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «...авваламбор, қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур»⁵, деган талабларига таяниб, Ўзбекистон Республикасининг «Миграция тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган ҳамда қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш учун инобатга олинган.

Тадқиқот ишида Германия федерал полицияси, Греция полиция хизмати, Россия Федерацияси ИИВ Миграция масалалари бош бошқармаси, Қозоғистон Республикаси ИИВ Миграция хизмат кўмитаси, Беларусь Республикаси ИИВ Фуқаролик ва миграция департаменти, Грузия Республикаси ИИВ Миграция департаменти каби органларнинг фаолияти ўрганилиб, мамлакатимиз ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш хизматлари

⁵ *Мирзиёев Ш.М.* Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси / Бизнес Консультант № 4 – 2016. – Б 4.

фаолияти билан солиштирилган ҳамда қиёсий таҳлил қилинган. Ўрганишлар хорижий давлатларнинг полиция тизимларида ноқонуний миграцияга қарши курашиш муайян тузилма томонидан амалга оширилишини, мамлакатимиз ички ишлар органлари тизимида эса бу фаолият бир қатор соҳавий хизматлар томонидан амалга оширилишини кўрсатди.

Диссертацияда, хорижий давлатларда шаклланган миграция жараёнларини тартибга солиш ва таъминлаш бўйича илғор тажрибаларга таяниб, миграция жараёнларига доир фаолиятда ички ишлар органлари бошқа соҳавий хизматлари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари томонидан самарали мувофиқлаштириш мумкинлиги ҳамда буни миллий қонунчилигимизда акс эттириш зарурлиги асослаб берилган.

Бундан ташқари, тадқиқот ишида Бельгиянинг Иммиграция сиёсатини таъминлаш республика идоралараро комиссияси (Republican Interagency Commission on Immigration Policy) ва Германиянинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш бўйича давлат комиссияси (Staatliche Kommission zur Verhütung und Bekämpfung der Kriminalität) тажрибасини ўрганиш, афзалликларини таҳлил қилиш асосида мамлакатимизда давлат органлари ва ташкилотларнинг миграция соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи «Миграция жараёнларини тартибга солиш бўйича республика идоралараро комиссияси» ва унинг ҳудудий идоралари фаолиятини ташкил этиш, унинг ишчи органи сифатида ички ишлар органларини белгилаш, шунингдек бу борадаги фаолиятнинг дастурий таъминотини такомиллаштириш учун «e-migrant» рақамли платформасини яратиш зарурлиги асосланган. Мазкур таклифни анкета сўровида қатнашган мутахассисларнинг 84,5 % ҳам маъқуллаган.

Диссертант Бельгия, Греция каби давлатлар чегара полицияси тажрибасини, мутахассисларнинг фикрини (82 %) ҳамда мамлакатимизнинг жуғрофий рельефи бўйича аксарият туман-шаҳарларнинг 42,1 % айнан чегара ҳудудларида жойлашганини инобатга олган ҳолда шундай маъмурий ҳудудий бирликлар (Тошкент, Фарғона, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятлари)га шахснинг кириши, улардан чиқиши ва уларда бўлиши қоидаларига риоя этилишини таъминловчи ички ишлар органлари миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари штат бирликларини қайта мақбуллаштириш асосида уларда олий маълумотли «чегара назорати (катта) инспектори» лавозимини жорий этиш зарурлиги ва афзалликларини асослаб берган.

Шунингдек, тадқиқот ишида ички ишлар органларининг миграция жараёнларига доир фаолиятини янада такомиллаштириш, уни ривожлантириш истиқболларини белгилаб олиш мақсадида, икки босқичли: *биринчи босқич* – 2021–2022 йиллар; *иккинчи босқич* – 2023–2025 йилларни ўз ичига олган Ўзбекистон Республикасининг миграция соҳасидаги давлат бошқарувини янада такомиллаштириш бўйича комплекс тадбирларни белгилаб берувчи «Йўл харитаси» ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқлиги асосланган.

Диссертациянинг хулоса қисмида асосий илмий натижалар (хулоса, таклиф ва тавсиялар) келтирилган.

ХУЛОСА

Амалга оширилган тадқиқот натижасида қуйидаги илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

I. Илмий-назарий билимларни бойитишга қаратилган хулоса ва тавсиялар:

1. Соҳага оид қонун ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиётини, юридик манбалардаги фикр-мулоҳазаларни ўрганиш, илмий жиҳатдан таҳлил қилиш асосида қуйидаги тушунчаларнинг муаллифлик таърифлари таклиф этилди:

миграция – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг доимий яшаш жойини турли сабабларга кўра мамлакат ҳудуди ёки унинг ташқарисига доимий ёки вақтинчалик ўзгартириши;

ноқонуний миграция – Ўзбекистон Республикаси фуқароси, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган республика ҳудудига кириш, бўлиш ва ундан чиқиш ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали транзит ўтиш тартибларини бузган ҳолда ҳаракатланиши;

миграция назорати – миграция жараёнларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари талаблари бажарилишини таъминлаш, бу соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар;

